
Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

4-йил чиқиши
19 ИЮЛЬ, 1969 й.
ШАНБА
№ 168 (932).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЭРТАГА — МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ



Ленин номидаги Бекобод металлургия заводи мартен печларида пўлат қуйиш.

А. Тўхтахўжаев фотоси.

ИНДУСТРИЯМИЗ ФАХРИ

20 июль куни мамлакатимиз металлургларининг ўзларининг анъанавий байрамларини тантанали равишда нишонлайдилар.

Совет ҳокимияти йилларида металлургия саноати равнақ топди, у мамлакатимиз индустриясининг фахрига айланди.

Совет ҳукумати ва халқимиз фахрли касб эгалари бўлмиш металлургларнинг шарафли меҳнатини доимо эъзозлаб келмоқдалар.

Металлурглар байрамини бутун совет халқи билан биргаликда шаҳримиздаги корхоналарнинг қуювчилари, пўлат эритувчилари ҳам зўр тантана билан нишонлайдилар. Улар бу байрамни доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллиги шарафига бошланган ўзаро социалистик мусобақани авж олдирган ҳолда кутиб олмоқдалар.

ГАЗЕТАЛАРДА

Олий Совети Президиумининг Фармони билан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» унвони берилди.

Ҳарбий хизматчилар сиҳат-саломатлигини сақлашдаги узоқ йиллик ва самарали ишлари ҳамда Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий госпитали ташкил этилганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан госпиталнинг ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланди.

☆ Сомали Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Сомали Республикасининг Бош министри Муҳаммад Иброҳим Эгалюга табрик телеграммаси йўллади.

☆ Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий госпиталининг медицина ходимларидан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланди.

Суръат ва қувват ортмоқда

Е. М. Бутовская бошлиқ бўлимининг ҳисобчилари заводнинг ярим йиллик фаолиятига чиқарган якунларига кўра, корхона йил бошидан буён мамлакатимиз ва чет эл тўқимачилик саноати учун пландан ташқари 87 минг сўмлик, жами 10475 минг сўмлик машина, эҳтиёт қисмлар ва кенг истеъмол товарлари реализация қилган.

Тайёр маҳсулотларни жўнатиш бўлимида қуйидагича рақамлар йиғиндиси чиқарилди. Бир йўла тўрт операцияни бажарадиган халқаро кўргазмаларда иккита олтин медаль билан мукофотланган ПК-100 тўқимачилик машинасидан 360 таси, Р-260-2, Р-260-3, Р-168-3 пиликлаш машиналаридан 237 таси тайёрланиб, жойларга юборилди.

Ўтган ойда Чехословакияга 2 та, Покистонга 6 та пиликлаш машинаси жўнатилган эди. Июль ойида корхона коллективи болгар дўстлар буюртмасини бажариш— уларга ой давомида 16 та машина юбориш учун меҳнат қилмоқда. Куба ҳам ана шу буюртмачилар қаторидан ўрин олган.

Завод коллективининг ярим йилда қўлга киритган муваффақиятларида қуюв цехи аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди. Тўқимачилик саноати учун корхонада тайёрланаётган ҳар бир машинага ишлатиладиган қисмларнинг 75 процентини қуюв цехи таъминлайди. Ҳар бир машина учун цехда 350 хил деталь қуйилмоқда.

Тўқимачилик саноати учун яратилаётган янги машиналар учун 400 дан ортиқ номда деталлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Металл қуйиш ва деталь тайёрлаш жараёнлари қанчалик мураккаб ва машаққатли бўлмасин. Ҳ. Мирсамадов бошлиқ қуюв цехи коллективи масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда меҳнат қиляпти.

Цехдаги ҳарорат ташқаридагидан қолишмайди. Қолип ва эритиш участкалари бўйлаб ҳаракат қилаётган конвейер линиясида ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қолипланган катта-кичик ҳажмдаги металл қоришмалар конвейердан олиб пресслаймоқда. Линия охирида деталь қолидаги металл қолипдан кўчирилиб, кетма-кет ишловга топширилмоқда.

— Мана бу конвейер жонга ора кириб қолди, — дейди цех экономисти Б. Акрамов.

Илгари оғир деталлар тележкаларда ташилар экан. Конвейер ишга тушиши билан қўл меҳнатидан воз кечилиб, вақтдан тежалмоқда.

Металл эритиш ва қуйиш участкасидаги А. Пискун бошлиқ бригада смена топшириқларини бажаряпти. Иккита печь тўла қувватда ишлаб турибди. 1300 даражада эриётган металл ваграпкага сизиб ўтмоқда. Юзига ниқоб, қўлига қўлқоп кийган қуювчи М. Мамадалиев осма транспортер ҳалқасига илинган улкан чўмични печ ёнига келтиради. Механизмни ишга солиш билан «дош қозон» қийшаяди. Кичик пиёладек келадиган тешикдан оқиб тушаётган шафақ рангли суюқ металл бир дақиқада чўмични тўлдиради. «Дош қозон»ни асл ҳолида қолдирган қуювчи осма транспортёр ёрдамида металлни конвейер ёнига келтирди.

Бир маромда айланиб турган икки изли конвейер устига хилма-хил деталлар қўйди. Бу деталлар заводда тайёрланган машиналардан ташқари бошқа корхоналарга ҳам юборилмоқда.

Масалан, ярим йилда Экскаватор, «Ўзбексельмаш», «Ташавтомаш», трактор йиғув компрессор авторемонт заводлари учун 3 минг 55 тонна қуйма деталь тайёрланган бўлса, Андижон Бекобод, Ашхабод, Перьм ва бошқа шаҳарларнинг саноат корхоналарига 272 тонна деталь юборилди.

Ленин орденли Ю. Гагарин номли тўқимачилик машинасозлиги заводининг металл қуюв цехи коллективи эртага нишонланадиган металлургларнинг кунини июль ойига планлаштирилган 1400 тонна металл эритиш ва деталь қуйиш топшириғини муддатидан илгари бажариш ҳамда корхона қувватини янада ошириш йўлида ленинча вахтада туриб ишлаш билан кутиб олмоқда.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

●

Ленин номидаги Бекобод металлургия заводининг кўп минг кишилик коллективи металлургларнинг байрамини муносиб совғалар билан кутиб олмоқдалар. Комбинатда қўлга киритилаётган ҳар бир ютуқда ушбу суратда акс эттирилган ака-укалар металлургларнинг сулоласи аъзолари ҳиссаси катталигини, Машҳур прокатчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (ўнгдан биринчи) Саид Нуриддинов, ўз укалари (ўнгдан-чапга) Шамси, Куни, ва Сайфнлар билан суҳбатлашмоқда. Бу ака-укаларнинг ҳаммаси прокат цехида меҳнат қилишади.



Ленин район партия комитетида

Снёсий маориф ўқувига тайёргарлик

Партия маорифи системасидаги янги ўқув йилига тайёргарлик ишларни бошлаб юборилди. Ленин район партия комитети агитация ва пропаганда бўлими бошлангич партия ташкилотлари секретарларининг семинарини ўтказди. Семинар қатнашчиларига «Правда» газетасида эълон қилинган «Революцион назариянн чуқур ўрганайлик» мақоласида олдинга сурилган фикрлар юзасидан тегишли маслаҳатлар берилди. Район партия комитети партия маорифи системасидаги мактабларда В. И. Ленин назарий меросини мукаммал ўрганишга пропагандист кадрларни тайёрлашга катта аҳамият бермоқда.

Бу йил фақат Ленин район партия комитети шаҳардаги кечки марксизм-ленинизм университетига 300 дан ортиқ партия, совет, комсомол, касаба союз раҳбарларини ўқишга юборади.

Мактаблар тахт

Мактабларнинг янги ўқув йилига тайёргарлиги тўғрисидаги масалани район партия комитети бюросида муҳокама қилиш учун ахборотлар тўпланди. Бу ахборотлар район ижроия комитети, район халқ маорифи бўлими ва мактабларни оталиққа олган муассасалар партия ташкилотлари кўплаб ибратли ишлар қилганликларини кўрсатади. Мактаблар ремонти, болаларнинг ёзги дам олиши кўнгилдагидай ташкил қилинди. Бутун ёз давомида пионер лагерларида Ленин район меҳнаткашларининг 13 мингдан ортиқ болалари яйраб дам олишади.

Биринчи сентябрда райондаги 19 та мактабда қунгироқлар янграб, ўқувчиларни синф хоналарига чорлайди. Украин бинокорлари томонидан Ц-7 кварталида қуриб фойдаланишга топширилган янги мактаб 2600 ўқувчини ўз қучоғига олади.

Кенгаш ҳужжатлари муҳокамаси

Райондаги 120 та бошлангич партия ташкилотида коммунистларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг «Коммунистик ва ишчи партияларн халқаро Кенгаши якунлари тўғрисида» қабул қилган қарори муҳокама қилинди.

Барча бошлангич партия ташкилотларида Москва Кенгаши ҳужжатларини меҳнаткашлар ўртасида атрофлича тушунтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Завод, фабрикаларнинг барча цехларида шу мавзуда мунтазам равишда лекциялар, суҳбатлар ўтказилиб турилибди.

Юбилейга тайёргарлик

Район партия комитети машинасозлар залида меҳнаткашлар депутатлари Ленин район Советининг навбатдаги XII чақириқ III сессияси бўлиб ўтди. Сессияда район ижроия комитетининг раиси Л. И. Тихонова «В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан белгиланган тадбирларни бажарилиши тўғрисида» доклад қилди.

Район ижроия комитетининг ранс ўринбосари А. В. Бабич депутатларга район Советининг ўтган сессиясида «Район ободончилиги ва санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорларининг бажарилиши ҳақида ахборот берди.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ.
СУРАТДА: театр майдонининг кўриниши.

ДОҲИЙ БЎЛГАН ЖОЙЛАРГА

Эртага

В. И. Ленин номидаги республика ҳисобот-педагогика билим юртининг аълочи ва жамоатчи ўқувчиларидан 20 киши доҳий бўлган жойларга саёҳатга отланишади.

Доҳий туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан Ульяновск — Қозон — Москва — Ленинград маршрутлари бўйлаб ўтказиладиган бу сафар давомида ўқувчилар доҳий ҳаёти ва революцион фаолияти ҳақида қизиқарли материаллар ҳамда фотосуратлар тўплайдилар. Уларнинг бу тарихий сафарига педагогика билим юрти ўқитувчиси Эргаш Каримов раҳбарлик қилмоқда.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ЎРТОҚ А. А. ГРОМИКОГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИЛДИ

Коммунистик партия ва Совет давлати, олдиндаги катта хизматлари, ташқи сиёсат соҳасида узоқ йиллик фаолияти учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми СССР Ташқи ишлар министри ўртоқ Андрей Андреевич ГРОМИКОга СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ унвони бериш, ЛЕНИН ордени ҳамда «УРОҚ ВА БОЛҒА» олтин медали топшириш ҳақида фармон чиқарди.

(ТАСС).

● Қурилиш майдонларида

ҚУЛАЙ БЎЛАДИ

Бугун

Луначарский шоссеси келгусида янада кўркам ва гўзал бўлади. Олий партия мактаби ёнида янги турар-жой уйлари ҳамда маъмурий машиний бинолар қурилмоқда.

«Ўзбекгидроэнергосстрой» трестига қарашли «Ташспецстрой» қурилиш бошқармасининг бинокорлари шу шосседаги кўп қаватли бино пойдеворини кўтариб бўлишди.

Бинонинг биринчи қаватида телефон-телеграф станцияси жойлашади. Қолган қаватларда эса аҳоли яшайди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

«АПОЛЛОН-11» ПАРВОЗИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 июль. (ТАСС). Ичида уч космонавт Н. Армстронг, Э. Олдрин ва М. Коллинз бўлган «Аполлон-11» космик кемаси икки кундан буён парвозини давом эттирмоқда.

Ер орбитасига, сўнгра эса Ойга учиш траекториясига чиқиб олгандан кейин космонавтлар телевизион эшиттириш сеансини ўтказдилар.

Кеча кема бўлмаларини қайта қуриш вақтида космонавтлар ёрдамчи двигателлар учун ёнилғини бирмунча кўпроқ сарф қилиб қўйишди. Аммо парвоз раҳбарларининг айтишича, бу ҳол парвозни давом эттиришга катта таъсир кўрсатмайди.

Саҳар пайтида кема экипажи дам ола бошлади. Дам олиш тахминан 9 соат давом этди. Планга мувофиқ, кема траекториясини тўғрилаш кўзда тутилган эди. Парвоз раҳбарларининг қарорига биноан, зарурат бўлмаганлиги сабабли траектория тўғриланмади.

ПАРТИЗАНЛАРНИНГ ҲУЖУМЛАРИ

БАЙРУТ, 17 июль. (ТАСС). Фаластин бирлашган қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган ахборотида бундай дейилади: «Ал-Фатах» ташкилотининг партизанлари 14 июль кечаси ҳужум қилиб, Иордан водийсининг шимолидаги Туркмания районида жойлашган Исроил кузатиш постини яксон қилганлар ,душманнинг аскарлари ва техникасига талафот етказганлар.

Шу ташкилотнинг бошқа бир отряди 15 июль куни Иордан водийсининг шимолий қисмида жойлашган Исроилнинг Таллет Ал-Нажар ҳарбий лагерига қўқисдан ҳужум қилган. Партизанлар жанг давомида душманнинг икки пулемётини мажақлаб ташлаганлар, армия казармаларини яксон қилганлар ва бир неча солдатини сафдан чиқарганлар.

Худди шу куни «Ал-Фатах» махсус отрядининг партизанлари Тивернад кўли яқинидаги Ал-Хамма районида ўтказган ҳарбий операция натижасида исроиллик бир қанча солдат ва офицерни ўлдирдилар ва ярадор қилдилар, иккита броне автомашинаии мажақлаб ташладилар ҳамда душманнинг шу райондаги истеҳкомларини яксон қилдилар.



БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. «Қуёшли соҳил» курорти.

ИСРОИЛНИНГ ИҒВОГАРЛИГИ

АММОН, 17 июль. (ТАСС). Исроил босқинчилари Иордания — Исроил ўт очишни тўхтатиш чизиғида ҳарбий ҳаракатларни кенгайтирмоқдалар.

Кеча маҳаллий вақт билан соат 19 дан 25 минут ўтганда, деб хабар берилади Иордания қўмондонлигининг баёнотида, 60 кишидан иборат Исроил қуролли отряди Иордан дарёси водийсининг шимолий қисмидаги Ал-Мажамия районида Иордания территориясига бостириб киришга уринди. Шу билан айни маҳалда Исроил артиллерияси Иордания қисмларининг позицияларига қарата тезтез ўт очиб турди.

Иордания армиясининг актив ҳаракатлари туфайли душман улоқтириб ташланди, дейилади баёнотда. Маҳаллий вақт билан соат 21 дан 5 минут ўтганда исроилликлар Иордания позицияларини янги ўқув тутдилар.

Бирлашган Фаластин қўмондонлигининг бу ерда эълон қилинган баёнотида уқтириб ўтиладики, араб партизанлари 15 июлда ўт кезган операциялар натижасида Исроилнинг беш солдати қириб ташланди, ҳарбий автомашинаси портлатиб юборилди ва Исроил армиясининг Ал-Махтас районидаги олдинги посги вайрон қилинди.

ҚАШҚАДАРЁДА ЛЕНИННОМА

Яқинда бир гуруҳ пойтахтлик олимлар Ўзбекистон «Билим» жамияти йўлланмаси билан Қашқадарё областига жўнаб кетишди. Улар орасида кўзга кўринган атеист-олимлар: фалсафа фанлари кандидати М. Далиев, А. Умароҳунов, илмий ходим Н. Сандов, ТошДУ ўқитувчиси Ш. Азизов, республика илмий-атеизм уйининг лектори М. Бўрихўжаевлар бор.

Олимлар бир ҳафта давомида «В. И. Ленин Коммунистик партия ва совет давлатининг асосчиси», «В. И. Ленин ва илмий атеизм масалалари», «В. И. Ленин— меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялаш тўғрисида» деган темалардаги лекция-суҳбатлар, тематик саволжавоб кечалари, семинар ва илмий конференциялар ўтказадилар.

● Тошкент—жаҳонга

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ АСАРЛАРИГА ҚИЗИҚИШ

Совет Ўзбекистони олимларининг илмий асарлари жаҳондаги турли илмий марказлар, университетлар ва кашфиётчиларнинг диққатини жалб этмоқда.

Яқинда Америка Қўшма Штатларидан «Академкнига» нинг Тошкентдаги Ўрта Осиё идорасига илтимоснома келди. Идора шу илтимосномага биноан

Бугун

бир неча китобларни АҚШнинг Москвадаги элчихонасига юборди.

Юборилган асарлар орасида «Фан» нашриёти босиб чиқарган «Кибернетика ва ҳисоблаш математикаси» ва Т. А. Славкиннинг «Ўзбекистон дендрологияси» китоби бор. Бундан ташқари таниқли олимлардан В. Қ. Қобулов, Ф. Б. Абдутолиев, Э. Б. Абутолиев, Т. А. Валиев ва бошқаларнинг китоблари ҳам жўнатилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги В. П. Шчеглов таҳрири остида нашр этилган Ян Гевелийнинг «Сайёралар атласи» деган нодир китоби ҳам Америка олимларини қизиқтиради.

Ўзбек олимларининг асарлари жаҳоннинг бошқа мамлакатларига ҳам юборилмоқда.

ОБ-ҲАВО БУГУН

ҳаво ўзгариб турсада, ёғингарчилик бўлмайди, кечаси момақалдироқ бўлиши кутилади, кечаси 15—17, эртага кундузи 30—32 даража иссиқ бўлади.

ЛОЙИҲАЧИЛАР ИЗЛАНИШДА

Шаҳримиздаги 4-енгил саноат Давлат лойиҳалаш институтининг ходимлари шу кунларда пахта тозалаш ва енгил саноат корхоналарининг лойиҳаларини тайёрламоқдалар. Институтнинг Лариса Михайловна Самойлова раҳбарлик қилаётган қурилиш бўлими инженер-техник ходимлари Олмаотада қурилаётган гилам тўқиш фабрикаси, Тошкентда бунёд этиладиган пахта тозалаш Давлат махсус конструкторлик бюроси ҳамда Марғилонда қад кўтарадиган, ипак комбинатининг маъмурий-маиший хизмат кўрсатиш корпуси лойиҳаларини тугаллаш арафасида турнишибди.

Бу корхонал а р и н и 1970-1971 йилларда қуриш мўлжалланган.

СУРАТДА: [чапдан ўнгга] қурилиш бўлими бошлиғи Л. М. Самойлова, бош мутахассис В. И. Шумаков ва бош инженер Т. Воҳидовлар Марғилонда қурилаётган ипак комбинати лойиҳаси устида ишламоқдалар.

Х. Шодиев фотоси.

Шаҳарда байрам колоннаси

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар транспорт ходимларининг бешинчи анъанавий байрамини эртага — якшанба куни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Пролетарлатининг улуғ доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган бу анъанавий байрам транспорт ходимлари учун қувончли кундир. Ана шунинг учун ҳам улар ўзларининг бу байрамларини меҳнатда катта кўрсаткичларни қўлга киритган ҳолда кутиб олмоқдалар.


Эртага автобус, транспаратлар, ҳамма иттифоқдош республикаларнинг миллий байроқлари билан безанган автомашиналар шаҳримиз кўчалари бўйлаб колонна бўлиб ўтади.

Эрта билан соат 10 да «Халқлар дўстлиги» кўчасидан йўлга чиқадиган колонна «Победа» маданият ва истироҳат боғига қараб йўл олади.

Волгоград, Ғафур Ғулом, Муқимий, Шота Руставели, Богдан Хмельницкий, Фурқат, Навоий кўчалари, В. И. Ленин майдони, «Ўзбекистон», Ленин, «Правда Востока», Пролетар, Коммунистическая, Пушкин, Урицкий, Энгельс, Хуршид кўчаларидан бўлиб юрадиган колонна олдида ҳамма иттифоқдош республикаларнинг байроқларини кўтарган, Рига ва бошқа автомобиль заводларида тайёрланган машиналарни кўрадилар.

Кундуз соат 12 да автомашиналар колоннаси «Победа» маданият ва истироҳат боғига кириб келгач, байрамнинг тантанали қисми бошланади. Шаҳар транспортининг илғор ҳайдовчиларига фахрий ёрлиқлар ва қимматли совғалар топширилади. Кейин Ўзбекистон санъат устталари ва шаҳар автотехўжаликларидаги бадиий ҳаваскорлик қатнашчиларининг катта байрам концерти бўлади.

Истироҳат боғига ташриф буюрадиганлар бу ерда «Икарус —180» ва «Икарус люкс» автобуслари конструкцияларини ва афзалликларини билан танишадилар. Шунингдек, спортчи автомобилчиларнинг ҳам чиқишлари бўлади.



СУРАТДА: шаҳардаги 2-автобус паркининг пешқадам шофёри А. Васин. У транспортда 37 йилдан буён ишлайди.



Пассажир автобусларн аҳолининг асосий транспорт воситаси бўлиб қолмоқда.

СУРАТДА: янги «Икарус» автобуслари.

ОЛИЙ МАҚСАДЛИЛАР

Автобаза ўрни бундан 7 йил илгари кўримсиз жойдан иборат эди. Қисқа вақт ичида у таниб бўлмас даражада ўзгарди. Инсоннинг қўли гул эканлиги яна бир карра исбот этилди. Янги 127-автобаза ташкил қилиниб, унга 250 та транспорт машинаси бириктириб қўйилди.

Бугунги кунда автобазада машиналарнинг сони 350 тага етган. Автобаза территорияси ҳар жиҳатдан кенгайди. Сўнгги маркали янги, «ММЗ—555» машиналари ҳар қандай оғир юкларни ташишга тайёр турибди.

Автохўжаликда шофёрларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Олий техник маълумотига эга бўлган, ёш бўлса ҳам талабчан устоз Файзулла Парпихўжаевнинг автобаза бош инженери қилиб тайинланиши коллективни илғорлар сафидан ўрин олишида катта аҳамиятга эга бўлди.

580 кишидан ташкил топган коллектив шу йилнинг ярим йиллик юк ташиш давлат планини 101,3 процент адо этиб, шарафли вазифани муваффақиятли бажарди. 748 минг тонна юк белгиланган мақсадга хавф-хатарсиз этиб қўйилди. Бунинг устига 15 тонна ёқилғи тежалди.

Автобаза бош инженери Ф. Парпихўжаев, Олим Нурматов, Аҳад Абдуюсупов, Юрий Калабин, Василий Максимов, Константин Писчасов, Геннадий Аҳмадиев каби коммунистларнинг номини фахр билан тилга олди.

3 та колоннага бўлиниб, забардаст беш йилликнинг тўртинчи йилини юқори кўрсаткичлар билан якунлашга ҳаракат қилаётган автобаза коллективи ҳар куни 6 минг тонна юкни турли ташкилотларга этиб қўймоқда. 62400 километр йўл босиб, юзлаб питер ёнилғи иқтисод қилинаётир. Бу турли миллат вакилларидан ташкил топган автобаза ишчи, хизматчи, ва инженер-техник ходимларининг катта ютуғидир.

Автобазада ихтирочилар номи ҳурмат билан тилга олинади. Бошқармага ярим йил ичида 8 та рационализаторлик таклифи тушиб, давлатга 10 минг сўм соф фойда келтирди. Слесарь А. Антошкин, моторист А. Романов, механизатор З. Зокировлар таниқли рационализаторлардан д и р. Улар шу кунда ҳам ижодий изланмоқдалар.

Ҳўжаликнинг ўзида ўқув комбинатининг ташкил топиши ёш кадрлар етиштиришда қулай имкониятлар яратиб бермоқда.

Шоферлик санъатини пухта эгаллаганлар орасида миллион километрдан ортиқ йўл босган ҳайдовчиларни учратасиз. Шаҳар Советининг депутати Олим Зияев, Ҳикмат Иброҳимов, Олим Нурматов, Владимир Киниш шулар жумласидандир. Уларнинг машинаси доим йўлга шай, техник томонидан соз.

Колонна бошлиқлари Т. Жўраев, Г. Манопянц, А. Резниковлар доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар. Мусобақа пешқадамлари Тўхтасин Хидиров, ака-ука Деҳқон, Мурод, Мажид Ёқубовлар, Александр Жигалев сингари шоферлар график асосида ишлаб ҳар куни 15 тоннага яқин юкни белгиланган ерга етказиб қўядилар.

—Бир ярим миллион тонна юкни кўрсатилган ерга ўз вақтида элтамиз! — Автобаза коллективининг бу йилги мақсади ана шундай. Ҳар бир руль бошқарувчи зиммага олинган топшириқларни бажариш йўлида кўтаринки рухда меҳнат қилмоқда. Коллективнинг олий мақсади йиллик давлат планини муддатидан 20 кун илгари маррасига етказишдир.

Пойтахтимиздаги 127-автобаза коллективини ҳар қанча мақтаса арзийди. Ҳайдовчилар ўзларининг эртанги байрамлари — шаҳар транспорти ходимлари кунини меҳнатда яхши кўрсаткичлар билан кутиб олмоқдалар, порлоқ истиқбол сари дадил қадам ташламоқдалар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

«Тошкент оқшоми» почтасидан

КЎЗОЙНАК ҚАДРИ

Зар қадрини заргар билар, чиланғар нени билар, деганларидек, кўзойнакнинг қадрини ҳам кўзойнак тақадиган кексалар билишади. Яқинда Усмон Юсупов кўчасидаги ҳашаматли бинода кўзойнак магазини очилганлиги кўпчиликни мамнун қилди. Бу ерга ҳозир ҳар куни юзлаб харидорлар келишяпти.

Магазин директори ўртоқ Ғуломов магазин иши ҳақида мамнунлик билан гапирди. Унинг қувончи ўринли. Магазиннинг йиллик савдо плани 323 минг сўм, ойлик плани 26 минг сўм, кунлик плани эса 400 сўм қилиб белгиланганди. Коллектив кунлик савдо планини ошириб бажаряпти.

Харидорлар тайёр кўзойнак сотиб олишларн ёки магазин қошидаги устахонага ўзларига тўғри келган кўзойнакдан буюртириш лари мумкин. Мастерлардан Ф. Қурбонов Т. Бакировлар яхши муомалаларн ва буюртманн сифатли бажаришларн билан кўпчилик ҳурматига сазовор бўляптилар.

Лекин магазин ишида талайгина камчиликлар ҳам мавжудлиги кишини бироз ранжитади. Москва, Ленинград, Рига сингари шаҳарлардаги кўзойнак магазинларида янги кўзойнак сотиб олиш билан бирга, эскиларини ремонт қилдириб олиш ҳам мумкин. Бундан ташқари магазинда врач ҳам ишлайди. Харидор кўзойнак сотиб олишдан аввал врачга учрашади ва ўзига нечанчи кўзойнак тушишини билиб олади. Шаҳримиздаги янги кўзойнак магазинида эса бундай қулайликлар йўқ.

Меҳнаткашлар бу ҳақда Ўзбекистон ССР медицина техникаси бошқармаси бошлиғи Муслим Каримовга бир неча бор мурожаат қилишди. Лекин у киши «штат етишмайди» баҳонаси билан ҳақли талабни қондирмаяптилар.

Бизнингча, ҳарқандай йўл билан бўлсин кишиларнинг талабн қондирилиши лозим. Магазинда зарур қулайликларнинг яратилиши, биринчидан, харидорлар оқимининг кескин ортиши иккинчидан эса, кишиларнн ортиқча оворагарчиликдан халос қилишини унутмаслик керак.

Акмал ПЎЛАТ,
шоир, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

● Тошкент госпитали 100 йиллиги

ПРЕЗИДЕНТ ГОСПИТАЛДА

Бугун Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи Тошкент госпитали ташкил топганига юз йил тўлди. Урта Осиёдаги бу тиббиёт муассасасида кўплаб қатори 1942 йили ўзбек халқининг биринчи президенти, севимли отахонимиз Йўлдош Охунбобоев ҳам даволанган эди. Шу воқеалар асосида Тошкент Ҳарбий Госпитали врачи, медицина хизмати капитани Искандар Раҳмонов «Президент госпиталда» деган ҳикоя ёзди. Сиз қуйида ана шу ҳикоядан бир лавҳа ўқийсиз.

Охунбобоевни операция хонасидан олиб чиқишганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин операция ўрни ўз вақтида беозорат битди. Уни хирургия бўлимига келиб қолган фикрларни қизғозга тушириб қўярди. У оёққа турганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Бу кунларда унинг ҳаётга меҳри-муҳаббати яна ошган, қалби ҳам янги ҳис-туйғуларга, янги куч-қувватга тўлиб-тошган эди.

Андрей Григорьевичнинг кўча Борис Николаевич Калмиков билан ўтказган навбатдаги рентген текширувн натижаси унга ўзгача қув, ўзгача завқ бағишлади. Улар қорони хонада рентген нурн устида отанинг корнини пайпаслаб кўришаркан, суюнишиб ўзаро гаплашишарди.

— Мана кўряпсизми, Андрей Григорьевич, дер эди Калмиков профессорга ниманидир



дан яна ўзининг авваллги ҳолатига ўтказишди. Асосийси ота бемалол овқатланадиган, 3-4 маҳал суюқ таом истеъмол қиладиган бўлди. Кун иссиқлигидан истаганича кўк чой ичарди. Отанинг кундан-кунга этига-эт қўшилиб, ранг-рўйи ҳам тупа-тузук бўлиб қолди. У энди бемалол ўрнидан турнб юрар, газета-журнал ўқир, радио тинглар, кўнгил сўраб келганлар билан суҳбатлашар, баъзида қўлига қалам олиб, ҳаёлига келиб қолган фикрларни қоғозга тушириб қўярди. У оёққа турганидан ўзида йўқ хурсанд эди. Бу кунларда унинг ҳаётга меҳри-муҳаббати яна ошган, қалби ҳам янги ҳис-туйғуларга, янги куч-қувватга тўлиб-тошган эди.

Андрей Григорьевичнинг кўча Борис Николаевич Калмиков билан ўтказган навбатдаги рентген текширувн натижаси унга ўзгача қув, ўзгача завқ бағишлади. Улар қорони хонада рентген нурн устида отанинг корнини пайпаслаб кўришаркан, суюнишиб ўзаро гаплашишарди.

— Мана кўряпсизми, Андрей Григорьевич, дер эди Калмиков профессорга ниманидир

пайт кутилмаганда кўк юзини қора булут қоплаб, хона қоронғулашди. Кучли шамол чанг-тўзонни кўтариб, дарахтларни қаттиқ тебратди. Қаердадир, қарсиллаб дарахт шохи синди. очиқ турган дераза тарақлаб ёпилди-ю, ойнаси чил-чил бўлди. Кўп ўтмай, мовақалдироқ гумбирлаб ер-кўкни ларзага келтирди. Осмоннинг бир четида яшин чақнаб ўткир тилини кўрсатиб қўйди. Томчилаб турган ёмғир тез-орада жалага, кейин дўлга айланди.

Оқсоқол деразадан ҳовлига тикилиб, табиатнинг бемаҳал ҳазилидан ташвишга тушди. «Қанча гўзани ишдан чиқардийкин бу дўли тушмагур? Бу ёмғир қудан хабар берпти. Одамлар кузга, қолаверса қишга тайёрми? Қанча одамнинг томи ёпилган? Нечтасининг турар жойи йўқ? Далдаги ем-ҳашаклар йиғилганми? Чорвадор қишловга тайёрми? Пахта ҳосилининг тақдири нима кечади? Сушилкалар қурилганми? Пўллар тартибга келтирилганми? Обҳавонинг бирдан ўзгариши фронтга ёрдамни сусайтирмайдими?

Охунбобоев ёлғиз қолгач, яна хаёлга берилди. «Бу ерда-ку, шунчалик тўкинсочинлик, мева-чева гарқ пишган. Тепангдан биров ўқ ёгдирмайди. Ёнингда бомба портламайди. Уйинг бузилмаган. Ишинг тайин. Фронтдагиларнинг ҳоли нима кечдийкин? Ботирларнинг оғзи қақраб, бир қултум сувга зордир? Мевачевани тушида кўраётганмикин!» У шу ҳаёл билан бошини кўтариб деразадан ташқарига қаради. Шамол тўхтаб, ёмғир тинган, ҳонага тоза ҳаво кирар эди. Қора булут тарқаб қўёш чарақларди. Ҳаммаёқ ёруғ, тоза эди. Узоқдан рангоранг камалак гардиши кўринарди. У кўкрагини тўлдириб, чуқур нафас олди.

Шу вақт ҳонага ҳамшира Бойтемирова келди-да, нафасини ростлади.

— Ҳамма айтганингизни қилдим ота, — деди у негадир энтикиб.

— Раҳмат, қизим. Ўтир, дамингни ол, — деди Охунбобоев унга миннатдорчилик билдириб, кейин ўзининг ёзганларига бир-бир кўз ташлади-да, сўради:

— Ҳаммаёқ тинчми?

— Тинчлик, ота. Кўшни палатага бир йигитни ётқизишди бугун. Фронтдан қайтибди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қўчқор Турдиев эмиш!

— Қўчқор Турдиев? Ота ўрнидан турди.

— Қани юрчи қизим, хабар олайлик. Нима бўпти унга?..

И. РАҲМОНОВ.

СУРАТДА.. Йўлдош Охунбобоев (ўртада) операциядан сўнг бир гуруҳ медицина ходимлари билан. (1942 йилги фотосурат).

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Шаҳримизда болаларнинг соғлиғини сақлашда, улар бемор бўлиб қолган тақдирда тезда ёрдам кўрсатадиган шифохоналар кўп. Шулардан бири Тошкентнинг Ҳамза кўчасига жойлашган 7—сон болалар бирлашган касалхонасидир. Касалхона 100 ўринли бўлиб, унда бош врач Қулаҳмат Ризаев бошчилигида 200 га яқин аҳил коллектив ҳизмат қилмоқда.


Эшикдан кириб борар экансиз, соя-салқин дарахтлар тагида, ҳовли ўртасидаги катта гулзор атрофида ўйнаб юрган ва бир ҳил кийинган болаларга кўзингиз тушади. Булар касалхона даволанувчиларидир. Палаталарни айланар экансиз тоза, оппоқ тўшакларга, ялтираб турган тумбочкаларга кўзингиз тушади. Ҳамшираларнинг ширин муомаласига гувоҳсизлар келади.

Ҳақиқатан ҳам шифохонада ишлаётган соғлиқ посбонларидан ҳамма мамнун. Улар беморлар қалбига йўл топиб, уларни дарддан халос қилишмоқда.

Б. МАНСУРОВ.

● *В. И. Ленин музейи қурилишида*

МЎЪТАБАР ЗИЁРАТГОҲ



СУРАТДА: Марказий В. И. Ленин музейи Тошкент филиалининг макети. Музей келажакда ана шундай бўлади.

Шаҳарни айланарканмиз, уч йил давомида Тошкент, нақадар гўзалашганлигини, қаёққа қараманг баланд бинокорларни кўкка бўй чўзиб шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиб турганини кўрасиз.

— Мана бу бинони қаранг, бу ерлар яқингинада тупроқ уюмларидан иборат эди-ку, — деди ёнимиздаги киши, — Юринг кириб бир айланамизми?

Зинапоялардан кўтарилиб ичкарига кирар эканмиз, улкан бинонинг энг замонавий архитектура, планлаштириш ва конструкция услубларига риоя қилиб, узоққа чидайдиган янги қурилиш материалларидан фойдаланилгани ҳолда қурилганлигини кўрдик.

Бино архитектура жиҳатидан ўзбек халқ меъморчилиги санъатининг энг яхши анъаналарини ўзида мужассамлаштирганлигини кўрдик.

Залнинг марказига халқимизнинг доҳийга муҳаббати, ҳурмати ифодаси сифатида В. И. Ленин ҳайкали ўрнатилган. Ёнимиздаги лектордан бу ҳайкални қайси ҳайкалтарош ишлаганини сўраганимизда таниқли совет ҳайкалтароши СССР халқ рассоми И. В. Томский ишлаганини айтди.



СУРАТДА: илғор пайвандчи Смирнев Юрий Константинович.

Учинчи қаватдаги экспонталар доҳиймиз В. И. Ленинниинг болалик ва ёшлик чоқлари, революцион фаолиятининг бошланиши, 1917 йил Октябрь революцияси, гражданлар уруши, ГОЭЛРО плани ҳақида ҳикоя қилади. Ҳар бир хона ўз гўзаллиги, ҳар бир нарса ўз ўрнига жойлаштирилганл и г и билан кишини мафтун қилади. Ҳа, нақадар гўзал ва нафис ишланган бу хоналар.

Юқорига, охирги қаватга кўтарилиб, биринчи беш йилликлар даври, СССРнинг ташкил топиши, В. И. Ленин ҳаётининг охирги даври ҳақида ҳикоя қилувчи хоналарни айландик. Бу хоналар учинчи ва тўртинчи қаватни эгаллаган.

Музейнинг томоша залларини айланаркансиз, 1905-1907 йилларда Туркистон ўлкасида партия матбуотининг яширин ва ошкора тарқалиши, «Правда»нинг нашр қилиниши, ўлкада социал-демократик ташкилотлар тузилиши ҳамда уларнинг раҳбарлари ҳақида кўп қизиқ нарсаларни билиб оласиз. 1912 йилда Тошкент атрофида бўлиб ўтган сапёрлар қўзғалони. 1916 йилдаги мардикорлик воқеалари, Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва бошқа муҳим тарихий саналар ҳақида яхши тасаввур ҳосил қиласиз.

Барча экспонатларни кўриб бўлгач, лекция залига тушдик ва зиёратни В. И. Ленинниинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кинофильмни кўриш билан тугалладик.

Ҳурматли газетхон! Юқоридаги биз ҳикоя қилган музей ҳали битмаган. Ҳозир 4-қаватни тиклаш ишлари олиб борилмоқда. Бино битиб ишга тушгач ана шундай гўзал бўлади.

Ҳа, Тошкентда Москвадаги Марказий Ленин музейининг филиали очилади. Музей Республика Министрлар Совети биносининг ёнбошига қурилмоқда. Бу бино республикамиздаги энг кўркам иншоотлардан бири бўлади. Ҳозир бинонинг учинчи ва тўртинчи қаватларида пайвандлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бинони тез ва соз қ у р и б битказиш учун жонбозлик кўрсатиб ишлаётган қурувчилар бу ерда ўнлаб топилади. Мана комплекс бригаданинг бошлиғи Пётр Емилянович Костенкони олайлик.



Сиз суратда Пётр Костенко бош бўлган илғор комплекс бригаданинг бир группа азамат қурувчиларини кўриб турибсиз.



СУРАТДА: илғор ғишт терувчилардан Одил Сафаров ва Раззоқ Аминовлар.
М. Нуриддинов фотолари.

Ўзи 16 йилдан бери қурилишда ишлайди. Унинг бригадасида 23 қурувчи бор. Бу бригада музей қурилишида пешқадамликни қўлдан бермаётир. Ҳозирда азиз даргоҳни қуришда Пётр Костенконинг хотини Галина ва икки укаси Николай, Александр ва ўғли Геннадий Костенколар ишлашяпти. Ҳамма уларни пешқадамлар сифатида ҳурмат билан тилга олади.

Пайвандчи Юрий Смирновни айтмайсизми. У бундан уч йил мукаддам савдо соҳасида ишларди. Нима бўлди-ю у пайвандчилик касбига меҳр қўйди. Ҳозир у пайвандчиларга бригадир қилиб тайинланган. Моҳир пайвандчи ўз ҳамкасблари ҳақида тўлқинланиб бундай дейди:

— Валерий Куликов, Антонина Попова, Александр Сазонов ва Виктор Мартиненколар пайванд қилган ҳар бир конструкция аъло баҳоланади. Бу азаматлар планни доимо 110-115 процент адо этишади. 11-«Высотстрой» трести қурувчилари бу муҳташам бинони жадал суръатлар билан бунёд этишяпти. Ҳозирда бу ерда 250 б и н о кор меҳнат қиляпти. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиали 1970 йил апрелида дастлабки зиёратчиларни кутиб олади. Бу доҳий туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб туҳфа бўлади.

У. ЮСУПОВ,
Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



БИРИСИН ОЙ АНГЛА, БИРИСИН ҚУЁШ

АҲИЛ ОИЛАЛАР ДАВРАСИДА

Шаҳримизнинг фусункор кўчалари бўйлаб борар эканмиз «Чақар» маҳалласида яшовчи бир аҳил оила, уларнинг инсоний фазилатлари хаёлдан асло кўтарилмайди. Меҳри дарё ота ва дилкаш онанинг олижаноблиги ҳавасни келтиради. Яна ўша хонадонга бориб, уларнинг ширин суҳбатларидан баҳраманд бўлишга ошиқаман.

Кўпчилигининг обрў-эътиборини қозонган нуроний Бўриҳўжа ота ва қаҳрамон она Тўхтахон аялар истиқомат қилаётган ҳовли.

Чап томондаги хоналардан бирининг эшиги аста очилиб 25 ёшлардаги бир йигит кўриниди. У бизни илиқ қаршилаб ичкарига таклиф қилди. Бу йигит Бўриҳўжа отанинг еттинчи фарзанди Ҳикматжон. Бир уй катта-кичикка тўла. Серфайз дастурхонда ноз-неъматлар.

Дарҳақиқат, бу тантананинг боиси бор экан. Оиланинг кенжатойи Файзулла туғилган куни нишонланаётган экан. Давранинг энг юқорисидан жой олган ота ва она навбат билан Файзуллани самимий табриклайдилар.

Бундай анжуманлар оила учун янгилик эмас, балки ҳар бир фарзандининг дунёга келишини нишонлаш одат тусига кирган.

34 кишилик оила чиндан ҳам ҳавасничизни келтиради. Каттасидан тортиб кичигигача ҳамма сининг тилидан бол томади гўё. Ўзаро ҳурмат бу даргоҳда олий қонун.

Бу одат энг оғир йилларда ҳам синовдан ўтган.

...1942 йилнинг қаҳратон қиши. Йўтон чўзиладиган янгича узиладиган пайтлар. Оила бошлиғи Бўриҳўжа ака Ватанимизни фашист газандаларидан озод қилишга жўнади. Вафодор ёрини фронтга кузатган Тўхтахон ая ҳовлида тўрт фарзанди билан қолди. Суннатулла, Неъматулла, Тамара ва Ҳамидалар ҳали ёш. Тўхтахон ая ўз нуридийдаларини иссиқ бағридан қўймади. Бутун қийинчиликларни ўз зиммасига олиб турмуш ўртоғининг йўқлигини ҳам билдирмай уларни вояга етказа бошлади.

Ойлар кетидан ойлар, йиллар кетидан йиллар ўтаверди.

1945 йил. Орзиқиб кутилган ғалаба кунлари ҳам етиб келди. Бўриҳўжа ака қўксига «Қизил юлдуз» ордени ва бир неча медаллар тақиб қайтиб келди.

Улуғ Ватан уруши даврига ишлаган хўжалик буюмлари заводида ўз фаолиятини яна давом эттира бошлади.

Мана, бугунги кунда маҳалланинг энг обрўли, маслаҳатгўйи ва отахони ҳам Бўриҳўжа ота. «Нажот бир жойда кўкаради»— деганларидек ўша севган корхонасидан кексалик пенсиясига узатилди. Умр йўлдоши Тўхтахон ая ўн фарзандни ардоқлаб вояга етказгани учун «Қаҳрамон она» деган шарафли унвонга муяссар бўлди.

Суннатулла билан Неъматулла савдо ходими, Тамара билан Ҳамидалар педагог, Фарида билан Насиба саломатлик посбонлари. Ҳикматжон билан Шукрулла Тошкент политехника институти химия факультетида, Азизахон қишлоқ хўжалик институти агрономия факультетида фан сирларини қунт билан ўрганмоқдалар. Кенжатой Файзулла 45-ўрта мактабнинг 8-синфида аъло баҳолар билан ўқиётир. Ҳаммалари ўзларига тўқ, уйлик-жойлик. Ўқимишли.

Бўриҳўжа ота Исмоилов ҳозир 65 ёшда. Аммо тиниб-тинчимас отахон маҳалла комитетининг раиси сифатида ҳам бир неча йиллардан буён иш юритиб келмоқда. Маҳаллада олиб бориладиган турли тантана ва маросимларининг ташкилотчиси Бўриҳўжа отадир. Шу кунларда маҳалла активлари билан биргаликда «Ленинном» адабий кечасини ўтказишга тайёргарлик борянти. Бу кечада таниқли олимлар, санъаткорлар ва кекса коммунистлар иштирок этадилар.

Ўтмишдан ортиқ фарзандингина эмас, бутун маҳалла аҳлининг меҳрибон отахони Бўриҳўжа ота ва меҳрибон Тўхтахон ая Исмоиловларга бутун маҳалла умр боқийлик тилаймиз.

Қодиржон МАЛИКОВ,
Фрунзе районидаги 144-ўрта мактаб ўқитувчиси.



УДДАБУРРО ТАКАЖОН

Келар эди қўзичоқ
Лайча чиқди югуриб,
Тмшламоқ бўлди шу чоқ.
Қўрқитиб ир-ир қилиб,
Қўзи шўрлик қўрққандан,
Ўтакаси ёрилиб
Қочиб қолди чунонам,
Оёғин олти қилиб.
— Нима гап? Нима бўлди?
Кўриб қолиб така дер
Қалтирайсан намунча,
Рангинг бунча дока дер.
Нафасини ростламай
Тилини осилтириб.
Такага ҳам ташланар,
Узин шердай ҳис қилиб,
Уддабурро такажон
Боплаб сузди пайт пойлаб.
Лайча ангиллаб қолди,
Думин қисиб вой-войлаб.
— Сузғон бўлмай кет-е,
Ҳазиллашганимиз ахир.
Э... ҳазилни билмаган
Йўқ экан сенда ақл.
—Ҳазилга ҳазил билан
Жавоб бердим-да мен ҳам.
— Қуриб кетсин жавобинг
Деб лайча жўнар шу дам,
Қўзичоқ дер: бопладинг
Зўравонни такажон
Таъзирин ер албатта,
Кимки бўлса зўравон.

Ҳабиб РАҲМАТУЛЛАЕВ.



ОҚШОМ.

О. Тўхтахўжаев фотоси.



Болани ухлатиш учун дадаси эртак айтабошлади. Учинчи эртак тугагач, хонани сукунат қоплади. Ойиси секин эшикни очиб сўради:

— Ухлаб қолдими?

— Ҳа, ойи ухлаб қолди,— жавоб берди бола.

— Эҳтиёт бўл, шитирлатма! Ахир бу ерда ўрдак бўлиши мумкин, — шивирлади овчи иккинчи овчига.

— Эҳтиёт бўл эмиш-а! Нима мен ундан қўрқармидим!

* * *

Парижлик машҳур врач ҳузурига бир йигит кириб:

— Доктор, кўрсатган ёрдамингиз натижасидан голт хурсандман,— деди.

— Мен сизни даволаганим йўқ эди шекилли?

— Тўғри, бироқ сиз амакимни даволагансиз. Мен эса унинг меросхўриман.

Х. ТЕМИРОВ таржимаси.

ШАХМАТ ҚИШЛОҒИ

Германия Демократик Республикасининг ғарбий чегараси яқинида жойлашган Штребек қишлоғини ана шундай деб аташади. Бу қишлоқни жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида билишади. Қадимий ва донолар ўйинига бағишланган «Шахмат билан асрлар ва мамлакатлар оша» китобининг бир неча саҳифалари ҳам шу қишлоқ тўғрисида ҳикоя қилади.

Бу ерда шахмат ўйини мактабларда ўқитиладиган асосий фанлардан ҳисобланади. Ўқувчилар шахмат ўйинининг назарияси ва практикасидан битириш имтиҳонларини топширадилар.


Қишлоқ аҳолиси эса ҳар йили катта майдонда жонли шахмат ўйинини ўтказади. Бу — қадимий анъана.

Айтишларига қараганда, шахмат анъаналарига содиқ бўлган маҳаллий ҳокимият ўтган асрда ҳам расмий ҳужжатларга от шаклидаги муҳрларини босишар экан.



Тошкент тўқимачилар Маданият саройида ёғочга ўйиш сирларини эгаллаш тўгараги самарали иш олиб боряпти.

СЎРАТДА: — тўгарак раҳбари М. Арслонов тўгарак қатнашчиларининг ишини кўздан кечиряпти.



СУРАТДА: — тўгарак қатнашчиси Носир Раимов ижоди.

Т. Одилбеков фотолари.

● Яхшилик шарофати

МИННАТДОРМИЗ

Яқинда 13 яшар қайн синглим Валя Шарқий Сибирдан (Канск-Енисейск) бизникига меҳмон бўлиб келаётганлигини маълум қилиб телеграмма берди. Валя Тошкентга биринчи марта келаётганди. Унинг адресимизни яхши билмаслиги туфайли вокзалга кутиб олишимиз керак эди. Аммо биз поездларнинг қатнов жадвалига аниқ тушунмай, Валянн кутгани бир сутка кечикиб вокзалга чиқибмиз. Валя эса у куни келмади. Вокзалда ҳабар қилмаган жойимиз қолмади. Лекин қиздан дарак йўқ эди. Хонадонимизда тинчлик бузилди. Нима қилишимизни билмай қолдик. Лекин бу ҳолат узоққа бормади. Эртаси куни эрталаб, Тошкент вокзалининг пассажирларга хизмат кўрсатувчи бўлими проводниги Абдулла Сайдуллаев қизни бошлаб уйимизга кириб келди-да, хонадонимизни қувончга тўлдирди.

Воқеа бундай бўлган экан: 99-поезд ўз вақтида Тошкентга етиб келган, қиз эса 10-вагонда бўлган. Ҳеч ким уни кутиб олмаганидан кейин вагонда йиғлаб, қаерга боришини билмай ўтирганда, проводник Абдулла ака уни уйига олиб борган, ўзининг қизи каби ардоқлаган, овутган, икки кун нолаб, охири бизнинг онламиз адресини топган. Бу билан у ўзининг чин инсоний бурчини адо этди. Ишонч бўлган тамхўрлигининг намунасини амалда кўрсатди. Биз унга онламиз билан таъзим қиламиз, чуқур миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Абдуқодир НЕЪМАТОВ,
кекса коммунист, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер.

...Мен командировкага кетишим керак эди. Вокзалга билет олиш учун бордим. Кассанинг олдида одам тиқилиб ётарди. Навбатга турдим. Бирдан Маяковскийнинг «Океан бўйлаб кучли овоз тараларр» деганидай, йўғон овоз эшитилди.

—Гражданлар, кассага ўтишга р-рухсат берингнлар!

Қандайдир эркак, ҳаммани тирсаклари билан итариб олдинга интиларди.

Шубҳасиз, унга қаршилик қилишди.

—Навбатсиз олишга менинг ҳаққим бор, газетадан манман!..

У мен ишлайдиган газетанинг номини айтиб, қўлидаги қандайдир қоғозни пеш қиларди.

Бир амаллаб кассага етиб борди. Кассада билет тугаган эканми, қўлидаги қоғозин кассирнинг бурнига тиққудек даъво қилди. Кассир унга билет берди!

«Шошмай турчи мутаҳам — дедим ўзимча. Газетамнинг номини булғашни сенга кўрсатиб қўяман!»

Унга пешвоз чиқиб, киноя билан дедим.

— Салом, ҳамкасб! Қаранг-га биз сиз билан бирга ишларканмиз-у, нима учундир мен сизни ҳанузгача редакцияда учратмаган эканман!

— Мен янгиман, — дейди у сурбетларча. Менга кечагина редакциядан бланка келди! Уралов имзоси билан. Шунақа кишини биласизми?

Билмасдан бўладими, мен ўзим Уралов бўламан!

— Қизиқ!— «бланка»нгизни кўрсатинг-чи?

У фахр билан сеҳрли қоғозни узатади...

Ҳақиқатан ҳам унинг газетага алоқаси бор экан. Редакциянинг расмий бланкасида менинг имзом чекилган битта жумла бор эди: «Сизнинг шеърингиз чоп этишга арзимайди».

А. Хусанов таржимаси.

ҲАМКАСБЛАР

Жажжи юмор

Ю. ЛЕОНОВ.

«КЎРИНМАС КАМЕРА»

ХИКОЯ

Душанба куни кечқурун магазин директори биз —сотувчиларни тўплаб:

— Уртоқлар, эртага магазинимиз ишини «кўринмас кинокамера» билан суратга олишармиш.— деди зўраки кулги аралаш.

Биз эса севиниб кетиб, директорни саволга кўмиб ташладик. Ахир кинога олишадику, севинмай бўладими!?

— Бу яна қанақаси?..

— Нега «кўринмас камера» билан суратга олишаркан?...

— Бу замонавий кинематографияда қўлланилаётган янги усул, — деб тушунтира бошлади директор сўзларини салмоқлаб. — Бу усулнинг афзаллиги шундаки, оператор суратга олаётгани билинмейди ва суратга тушаётган киши бундан бехабарлиги туфайли ўзини ўнғайсизланмай бевосита табиий тутаверади. Магазинимиз ишини балки «Новости дня» журналида кўрсатишар ёки бўлмаса биронта кинотўпламга киритишар, бу ёғини билмадим. Умуман киностудиядан телефон қилган ўртоқ бу ҳақда ҳеч нарса демади. Ҳа, айтгандай, операторларнинг келишини сир тутиш зарурлиги илтимос қилинган. Сизлар ҳам эртага ҳеч нарсадан хабарсиздек тутинглар ўзингизни. Тушунарлими?

Гаъба, нимаси тушунарли бўлмасин? Ҳамма нарса аён!.. Дарҳол магазинимизни супуриб-сидиришга, витриналаримизни безашга тушиб кетдик... Винолар бўлимига омбордан коньяк-балиқ маҳсулотлари бўлимига янги олабуға балиғи келтирдик. Ўзимнинг гўшт маҳсулотлари бўлимимга эса гўшт навлари рим рақамлари билан белгиланган «Сигирнинг кўндаланг кесими» плакатини осиб қўйдим. Умуман олганда ҳазилакам тер тўкмадик!

Эртаси куни ишга барчамиз байрамлардагидек ясан-тусан қилиб келдик. Эркакларнинг ҳаммаси галстук тақиб олишган. Аёл сотувчилар эса чиройли либосларга бурканишган. Кассиримиз Зина эса қипқизил бемаънигарчилик қилибди: кинода ҳам анкиб турсин деб француз атиридан тоза сепибди ўзиям.

Барчамизнинг чеҳраларимиз шодон, табассум аримайди. Харидорларга ҳаётда энг яқин кишиларимизга қиладиган муомиламиздек ўта илиқ муносабатдамиз. «Марҳамат!», Агар ижозат берсангиз яхшилаб ўраб берсам», «Мана бунниси яхшироқ»... Фақат шу каби ибораларни эшитасиз, холос.

Харидорлар ҳарқанча урунишмасин биздаги ўзгаришни тушунмай, нимага йўйишни билишмай таажжубда. Лекин кассиримиз Зина бир зумда сирни ошкор қилди-қўйди. У бикин томонидаги дарчадан эгилиб пичирлай бошлади:

— Уртоқлар, шовқин қилманг. Умуман тартибни бузманг — бизни «кўринмас камера» биолишмаётган эмиш. «Кўринмас камера» тушликдан сўнг иш бошлармиш»— деди.

Фурсатдан фойдаланиб, нафасни ростлаб олдик ва магазинни қайтадан тартибга солишга киришиб кетдик. Ҳаммаёқни қайтадан ертиб-суртиб чиқдик. Ҳўл мева бўлимига апельсин, колбаса маҳсулотлари бўлимига доктор колбасаси келтирдик. Сут маҳсулотлари бўлимини плакатлар билан безадик. Қисқаси, астойдил тайёргарлик кўриб, яна кута бошладик...

«Кўринмас камера» ҳақидаги миш-мишлар ташқарида ҳам яшин тезлигида тарқалиб кетибди. Тушдан кейин магазин харидорлар билан лиқ тўлди. Айрим харидорлар ҳаддиларидан ошиб турли қийиқ лар» кўрсатабошлашди...

Бир кексарок аёл кўзини пўк қилиб:

— Ўртоқ сотувчи, қайнатма шўрва учун менга нима таклиф қила оласиз?— деса бўладими?

Жоним ҳиқилдоғимга келди. «Бошқа пайт бўлганидаку, кўрсатиб қўядима мен сенга таклиф қилишнинг қанақа бўлишини» деб ҳаёлимдан ўтказдиму ўзим бўлсам:

— Сиз, онахон, мана бу суякли гўшт парчасини олишингиз керак... Унда липоидлар ва аминокислоталар мўл,— дедим ноилож.

Хулласи калом, қипқизил масхарабозлик!

Кечга томон директор яна ҳовлиққанича залга кириб:

— Студиядан қўнғироқ қилишди, бугун съёмка бўлмабди. «Кўринмас камера» билан эртага келишармиш, — деса бўладими!

Эртаси куни яна ўша диққатвозлик, ҳуноббарчилик!

Яна барча сотувчилар ясан-тусан. Яна ўлиб-кутилиб ишлай бошладик. Яна «Салом, марҳамат, раҳмат!» каби сўзлар... Кечқурун эса яна киностудиядан қўнғироқ қилишди: «Бугун суратга олмадик, эртага борамиз». Асабторларимиз ниҳоятда таранглашиб кетди.

Кўпчилик валидол чайди. Кассиримиз Зина юрак ўйноғи бўлиб қолаёзди. У кун бўйи эсидан оғган одамдек илжаяверди ва охири юз томири гортишиб, даҳани қийшайиб қолди...

Қисқаси, беш кун шу тахлитда қийналдик. Олтинчи куни яна студиядан телефон қоқиб, съёмка эртага қолдирилганини айтишгач, алоҳал шубҳалана бошладик... Бирортаси бизни лақиллатмаётганмикан?

Директоримиз милиция бўлимига телефон қилиб, бўлган воқеани тушунтирган эди навбатчи:

— Ташвишланма и г, ҳеч қандай «кўринмас камера» йўқ! Бу қипқизил безорилик! Қандайдир безорилар тўдаси районимиздаги савдо ва маиший ташкилотларга телефон қилиб, тахлика қилишмоқда. Улар «Универмаг», «Модалар ателъеси», «Химчистка», «Ошхона»ларга ҳам худди шу тарзда телефон қилишган экан, ҳатто столларга атиргулли гулдонлар ҳам топиб қўйишибди,— деди.

Минг карра шукур! Елкамиздан тоғ қулагандек бўлди, ўзиям!

Ҳа, албатта, қаттиқ жаҳлимиз чиқди. Ахир шу қадар ахмоқона қалтис ҳазил ҳам бўладими?! Кассиримиз Зина бўлса тўлиб-тошиб:

— Безориларни тутишгач судда биринчи бўлиб гувоҳлик бераман! Уларни қаттиқ жазолаш керак.— дерди ҳаҳаб.— ...Ҳа, айтгандай, шу «кўринмас камера» деб янги гиш ҳам қўйдиргандим. Ҳаражатини тўлаттираман!..

Русчадан **Шавкат МИРАЛИМОВ** таржимаси.

● *ПАЗАНДА МИНБАРИ*

Кифта шўрва

Қўй гўштини майдалаб чопиб қайма қиласиз, қиймага майда тўғралган пиёз, чала пиширилган гуруч ҳам қўшасиз, туз, қалампир ва чақилган тухумни яхшилаб аралаштирасиз ва аралашмадан ўртача бодринг катталигида кифталар ясайсиз.

Кострюлькада сувни қайнатиб, кифтани соласиз ва бутун-бутун картошка ташлаб 20 минут милдиратиб пиширасиз. Шўрвага ивитилган нўхот, майда кубик қилиб тўғралган сабзи, помидор солсангиз ҳам бўлади. Лекин, бу масалиғлар қозонга кифтадан илгари солиб пиширилган бўлиши керак. Шўрва пишгач, тузини ростлаб, косаларга қуясиз ва ҳар бир косага биттадан кифта солиб дастурхонга тортасиз.

Бунга: 500 грамм гўшт, 1 стакан гуруч, 1 дона тухум, 2—3 бош пиёз, 200 грамм нўхот, 2 дона помидор, 3—4 картошка, 1 чой қошиғида қалампир ва таъбга қараб туз солинади.

Дўлмали шўрва

Қўй ёки мол гўштини суякларидан ажратиб, суякни кострюлькага солиб қайнатасиз, лахм қисмидан қийма тайёрлайсиз. Қиймага пиёз, гуруч, петрушка, туз ва анваролар ҳамда тухум қўшиб яхшилаб миқтайсиз.

Бултор қалампирнинг ювгандан кейин бандини қирқасиз ва уруғини тозалайсиз. Уруғининг бир қисмини қиймага, бир қисмини шўрвага соласиз ва ҳар бир қалампирга қийма тўлдириб, дўлма ясайсиз ва қайнаб турган шўрвага солиб 30—40 минут милдиратиб пиширасиз. Шўрвага яна пиёз, помидор, сабзи, картошка ҳам соласиз. Тайёр таомнинг тузини ростлаб косаларга қуясиз ва ҳар бир косага иккитадан дўлма солиб дастурхонга тортасиз.

Дўлма шўрва тайёрлаш учун: 500 грамм гўшт, 10—12 та бултор қалампир, 0,5 стакан гуруч, 1 та тухум, 2—3 бош пиёз, 2—3 та картошка, 2 та сабзи, 2—3 та помидор, ярим бог петрушка, ярим чой қошиғида зира, таъбга қараб туз солинади.

К. МАҲМУДОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Драматургия жанрида ёзаман, —деган эдинг, ҳеч театр афишаларида кўринмайсан-у?!

— Драматурглигимни тан олишмаяпти.



— Ма ўқи! Маданиятдан орқада қолма!



Докторнинг қизига совчи келди...

ВРАЧ: — Куёв боланинг отаси, бобоси, қариндошлари қайси касал билан оғриган?



ХОТИН —Вой, алиментга ҳаммасини босиб қопти-ку!

ЭР:— Хотин қўйганимни билиб туриб тенкансиз-гинг демайсиз, хоним...

Рассом А. ҲОЛИҚОВ



«Тошкент» меҳмонхонаси олдида.

М. Нуриддинов фотоси.

Самад ҒАНИ.

ҲАЖВ ДАФТАРИДАН

Узун мажлис умрни қисқартиради.

* * *

Ўгри мол ўғирлайди, лақма вақт ўғирлайди.

* * *

Маймун одам бўлса майли, одам маймун бўлмасин!

* * *

Ўгри ойдин кечани ёқтирмайди, беадаб одоблини.

* * *

Ўгри доимо хавфсираб юради, ёлғончи кулимсираб.

* * *

Доно артист "нодон ролини, нодон артист доно ролини ўйнай олади, лекин асло доно нодон, нодон доно бўлиб қолмайди.

«ХОРПУШТАК» журналидан.

Чет эллари да

НЕПАЛДА ЛЕНИН ЮБИЛЕЙИ ЙИЛИ

КАТМАНДУ. (ТАСС). В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини байрам қилишга бағишланган тантаналар бу ерда Непал пойтахти ҳамоатчилиги вакилларининг ёнғилишини ўтказиш ва «Она қалби» кино фильмини кўрсатиш билан бошланди. В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги байрамини ўтказувчи Умумнепал комитетининг раиси Кҳарга Манд Сингх улуғ йўлбошчи тўғрисида ёнғилишда нутқ сўзлади.

Ёнғилишда мамлакатда Ленинининг юбилей йилини ўтказиш программаси эълон қилинди. Программада мамлакатнинг турли шаҳарлари ва районларида Ленинга бағишланган мавзуларда ҳар ойда симпозиумлар ва докладлар ташкил этиш, Ленинга бағишланган фильмларнинг кинофестивалини ўтказиш, фото кўргазмалар ва китоб кўргазмаларни ташкил этиш, В. И. Ленининг таржимаи ҳолини ҳамда Ленин асарларини Непал тилига таржима ва нашр этиш кўзда тутилади. Катмандуда юбилей йилининг асосий тадбирлари Непал —совет дўстлиги уюшмаси биносида ўтказилади.

НАВБАТДАГИ ИҒВОГАРЛИК

ЛОНДОН. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Ливан ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтган гапларига асосланиб қуйидагиларни билдиради: Исроил патрули Ливан территориясига бостириб кирди.

Хабарда айтилишича, бу можаро аҳоли яшайдиган Мажидия районида Ливан-Исроил чегарасида рўй берган. Исроиллик иғвогарлар ана шу қуролли хуруж вақтида. дейилади баёнотда, уч уй-жой биносини портлатдилар.



Мавритания Яқинда «Эр — Мориташи» миллий авиация компанияси Совет Иттифоқидан «ИЛ — 18» самолёти сотиб олди.

СУРАТДА: Мавритания президенти Монтар ульд Дадда самолёт командири Лев Иванович Пилаев ва совет экипажининг бошқа аъзоларини биринчи парвоз олдида табриклямоқда.

Мен Хитойга узоқ вақт яшаганман. 1944-1949 йилларда мен Синьцзяндаги воқеаларда қатнашдим. Бу ерда уйғурлар ва бошқа нохитой халқлар чанкайшичиларга қарши қўзғолон кўтариб, ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар. Ўшанда бу ерда Шарқий Туркистон республикаси тузилиб, ҳукуматга уйғур халқи миллий озодлик ҳаракатининг раҳбари Аҳмаджон Қосимий бошчилик қилди. Мен ўша вақтда Туркистон революцион армияси қўмондонининг ўринбосари эдим.

Хитой революцияси ғалаба қозонгач. 1949 йилда Шарқий Туркистон республикаси тугатилди, унинг территориясида Синьцзян Уйғур автоном районига кирувчи уч округ тузилди. Бу районда яшовчи уйғурлар, қозоқлар ва бошқа халқлар миллий ва социал озодлик тўғрисидаги ўз орзуларини амалга оширишга умид қилишлари мумкин эди. Лекин уларнинг социализм қурилиши йўлига ўтган Хитой Халқ Республикасида ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилади, деб қилган умидлари пучга чиқди.

Пекинлик раҳбарлар майда миллатларни зўрлик йўли билан ассимиляция қилиш йўлига ўтиб олдилар. Аслида бу сиёсат ўз моҳияти жиҳатидан буржуазия-шовинистик сиёсат бўлиб, илмий социализмга ҳеч қандай даҳли йўқ. Уйғурлар шунингдек, Синьцзянда яшовчи қозоқлар, киргизлар ва бошқа майда миллатлар бу сиёсатнинг қурбони бўлди.

Синьцзян-Уйғур автоном районида расмий равишда «миллий ўз ўзини бошқариш органлари деб аталган органлар тасис этилди. Бироқ Шарқий Туркистон республикаси мавжуд бўлган даврда ёқ экономика ва маданиятни ривожлантириш бўйича бир қатор демократик реформа ва тадбирларни ишлаб чиқишда қатнашган уйғур арбоблари қаттиқ таъқиб этила бошлади. Ҳозирги вақтда Синьцзяндаги ҳамма партия. маъмурий ва хўжалик органларига хитойлар раҳбарлик қилмоқда.

Кўпгина раҳбар уйғур ходимлари турли баҳоналар билан турмаларга ташланди ёки «меҳнат тарбияси» учун жўнатилди. Бошқаларни эса 1944-1949 йилларда Или уйғурлари ва қозоқлари қўзғолони даврида «хитойларга қарши» чиқишда айбладилар. Аслида эса улар чанкайшичиларга қарши курашган эдилар. Баъзилар маънавий террорга чидай олмай, ўзларини ўзлари ўлдирдилар. Масалан, уйғур халқининг кўзга кўринган арбоби, гоминданчилар реакциясига қарши қаҳрамонона жанг қилган Абдурраим Айса шу тариқа ўзининг ўзи ўлдирди. Қозоқ ёзувчиси Шабдонов ҳам ўзини ўлдирди. Бундай шароитда мен ва ленинчи курашнинг бошқа кўпгина қатнашчилари Хитойни ташлаб чиқишга мажбур бўлдик.

Маочилар майда миллатларнинг «ишончли» эканлигига шубҳа қиладилар ва уларни бу ерга кўчириб келтирилган ҳань (хитой) миллатидан бўлган омма орасида мумкин қадар тезроқ сингиб кетишига ҳаракат қилмоқдалар. Сўнгги йилларда Хитой аҳолиси кескин кўпайди. Ҳозирги вақтда Синьцзян-Уйғур автоном районига Хитойнинг ички районларидан яна бир миллион кишини кўчириб келтириш кўзда тутилмоқда. Маҳаллий аҳолини ўзининг туб ерларидан сақроларга ҳайдаб чиқармоқдалар.

Қозоқ, уйғур ва киргиз қизларини ўлим билан қўрқитиб хитойларга эрга тегишга мажбур қилмоқдалар. Маочилар даний революция» давомида «улуғ дарға» юборган вакиллар Синьцзянда мачитларни талашди, одамларни калтаклашди, намойишчиларга қарата ўқ отишди.

Уйғурларнинг совет халқи билан дўстликни сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиши маочиларнинг ғазабини қўзғатмоқда. Масалан, 1962 йил май ойида мисли сиз воқеа юз берди. Или қозоқ автоном округидан 40 киши Совет Иттифоқига боришга рухсат олишга эришди. Маочилар «Хунци» журналида миллий сиёсатнинг мақсади — «миллий хусусиятлар ва тафовутларни тўла тугатишдан иборат» эканлиги кўп марта таъкидланган.

Синьцзянда хитойларнинг «энг илғор халқ» ролига даъво қилишлари асоссиздир. Уйғурлар ҳам хитойлар каби қадимий халқдир. Уларнинг ўз тарихи, ўз бой маданий мероси бор. Хитой олимларининг ёзишларича VI асрдаёқ уйғурлар пахта ва бошқа қишлоқ

Маочиларнинг уйғур еридаги ўзбошимчаликлари

хўжалик экинлари етиштиришни хитойларга ўргатганлар. Монголлар ҳукумронлиги даврида Хонбаликда (Пекинда) уйғурлар Ляо, Сун, Цзинь династиялари ва хитойларнинг ўрта асрдаги бошқа давлатлари тарихини ёзганлар.

Тарихий факторлар ҳам, техник факторлар ҳам ҳозирги Пекин раҳбарларининг уйғурларни ассимиляция қилиш сиёсатини оқлай олмайди. Пекиннинг Синьцзяндаги майда миллатларга нисбатан ўтказаётган сиёсати реакцион сиёсатдир. Бу сиёсат Мао ва унинг ҳамфикрларининг буюк давлатчилик интилишларига гўла ва батамом бўйсиндирилган.

Синьцзянда Пекин шовинистик сиёсатига қарши, Хитойнинг ҳозирги раҳбарлари ўтказиб келаётган ўтакетган антисоветизмга қарши ғазаб алангаси авж олмоқда. «Маданий революция» бу автоном районда яшайдиган майда миллатларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келганлиги ҳам тасодиф эмас. Синьцзян партия ва давлат органлари 1968 йил сентябрида мамлакатда энг сўнгги қаторида «ревкомлар» билан алмаштирилганга қадар маочилар кўп зўр бердилар. Партия ва халққа нисбатан бу зўравонлик «Мао Цзе-дун миллий сиёсатининг улуғ ғалабаси» деб эълон қилинди.

Ҳокимиятнинг Мао Цзе-дун ва унинг ҳамфикрлари қўлига ўтиши Хитойдаги майда миллатларнинг унингсиз ҳам оғир аҳволини янада қийинлаштирди. Бироқ хитой меҳнаткашлари, шу жумладан Синьцзяндаги халқлар ҳали ўзларининг сўнгги сўзларини айтганларича йўқ...

«Биз ҳозирги Хитой раҳбарларининг сўзлари ва қатти-ҳаракатларини Хитой Коммунистик партиясининг, бутун Хитой халқининг орзу-умидлари ва интилишлари билан, ҳақиқий манфаатлари билан бир нарса, деб билмаймиз»,—деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев коммунистик ва ишчи партияларнинг Москвада бўлиб ўтган халқаро Кенгашида сўзлаган нутқида.

Пекинлик раҳбарлар шовинистик сиёсатни ўтказар эканлар, майда миллатларга ҳам, умуман Хитой халқига ҳам таяна олмайдилар. Мен Хитойни яхши биламан ва шунга аминманки, Пекиннинг ҳозирги сиёсати ҳеч қандай истиқболга эга эмас.

Зунчун ТОМПОВ,
Хитой армиясининг собиқ генерал-майори.
(«Новое время»дан).

АҚШнинг ФРАНКОГА ЁРДАМИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Франкочилар режими АҚШ монополияларининг бевосита мададига, молиявий ёрдамига таянib ўзининг ҳарбий ҳаво кучларини Америка конструкциясида бўлган янги жанговар самолётлар билан таъминламоқда. Яқинда Мадрид атрофида қирувчи бомбардимончи «Ф-5» реактив самолётларидан дастлабки 10 тасини Испания ҳарбийларига топширишга бағишланган тантанали маросим бўлди. Шу самолётларнинг 8 таси Америкаининг «Нортроп корпорейшн» фирмаси етказиб берган қисмлардан тўпланди. «Ю. С. Нюс энд уорлд рипорт» журналининг хабар беришига қараганда, Испания ҳарбий ҳаво кучларининг қуролланишида шу компания билан бир қаторда Америкаининг бошқа концернлари ҳам актив қатнашмоқда. Чунончи, «Женерал электрик» компанияси Испанияга ўрнатиш учун тайёр қилиб қўйилган турба реактив двигателлар юбормоқда.

Кейинроқ «Ф-5» самолётларини Испаниянинг «Конструксионес аэрона утикас» фирмаси ҳам ишлаб чиқараверади. Америкаликлар бу фирмага мазкур самолётнинг техника ҳужжатларини лутфан тақдим этганлар.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ

Реклама ва эълонлар

Радио

19 ИЮЛЬ ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ленин ҳақида, Ватан ҳақида қўйлаймиз». **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Область театрлари артистларининг концерти. **20.00** «Ленинона» программаси (ўзбекча). **20.30** Д. Зокиров «Ҳамза» увертюраси. **21.00** «Қардош социалистиқ мамлакатларда» (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ радиоклубида» деган музикали эшиттириш (ўзбекча). **22.20** Севги қўшиқлари. **23.10** «Шанба оқшомида» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Ўзбекистон ёзувчиларининг ҳикоялари (русча). **20.00** Тожик куйлари. **20.30** Озарбайжон куйлари. **20.50** А. Ершов. «Эксперимент билан юзма-юз» (русча) **21.00** «Характерли қиз» кинофильми ҳақида музикали эшиттириш. **21.40** Металлурглар куни олдидан. Очерк ва концерт (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Дугоналар» радио-журнали.

20 ИЮЛЬ ЯКШАНБА

МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **7.45** «Мактаб ва жамоатчилик» циклидан (ўзбекча). **8.25** Сиз ёқтирган артистлар концерти. **9.30** Шарқ куйлари. **10.10** «ТАБАССУМ» радиожурнали. **11.35** Қўшиқлар ва рақслар. **12.15** «Эрталабки салом!» (Москва). **13.30** Ўзбекистон металлурглари учун концерт (русча). **15.00** «Алангали касб эгалари» деган эшиттириш (русча). **15.10** Ўзбекистон металлургларига бағишланган эшиттириш ва концерт (ўзбекча). **16.10** Ҳ. Олимжон: «Зайнаб ва Омон» поэмаси асосида радиопостановка. **17.40** Экран янгиликлари. **18.00** «Музикали глобус» (ўзбекча). **18.40** Совет халқларининг қўшиқ ва рақслари. **19.20** Композитор Н. Ҳасанов асарлари. **20.00** «Ешлик» радиостанциясининг программаси. **20.30** Ёш ижрочилар концерти. **21.00** «Мамлакатлар ва қитъалар» (ўзбекча). **21.10** «Лазги» ансамблининг концерти. **22.20** Табассум» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. **23.20** «Хайрли кеч» деган концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 «Жаҳон ёшлари планета бўйлаб одим ташлайди» деган концерт. **9.15** Реклама ва эълонлар. **19.00** Москва. «Халқаро шарҳловчилар даврасида». **19.30** Эстрада рақс концерти. **20.00** «Юность» радиостанциясининг программаси (Москва) **21.00** Ёш артистлар ижросида қўшиқлар. **21.40** Лирик концерт.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 Симфоник куйлар. **14.30** Латифа аз-Зайёд. «Лайло» (ўзбекча). **16.00** «Ленинона» программаси **17.00** И. Штраус. «Ўлли барони» оперетаси. **18.00** «Таббассум» радиожурнали.

21 ИЮЛЬ ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: **18.00** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси оркестри ва солистларининг концерти. **18.40** Телевизион янгиликлар. **18.55** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим». **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Қишлоқ янгиликлари. **21.00** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Польша телевидениесининг программаси. **22.00** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 10 ва 11-сериялари. **00.30** Социализм дунёси. **01.00** СССР да Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Польша телевидениесининг программаси. **02.15** Интервидение. Молдавия халқ музика ансамблининг концерти. **02.45** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: **20.20** «Олов билан юзма-юз» Ҳужжатли фильм. **21.10** Халқ қофизлари ижросида концерт. **21.40** «Сатурн»нинг ғугатилиши». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Тожик тилида: **18.30** Шаҳарларимиз жамоли. **18.50** Мўл ҳосил учун.
Рус тилида: **19.05** Янгиликлар. **19.20** «Суяқсаз». Бадиий фильм.
Тожик тилида: **20.45** Республика далаларида. **21.25** Зангори антология. **21.45** Янгиликлар. **22.00** Адабий гулдаста. **22.30** Концерт.

22 ИЮЛЬ СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: **18.00** Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси оркестри ва солистларининг концерти. **18.40** Телевизион янгиликлар. **18.55** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Ғазалхон ёшлигим». **19.55** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Қишлоқ янгиликлари. **21.00** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Польша телевидениесининг программаси. **22.00** СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. «Ҳаёт-мамот учун». Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 10 ва 11-сериялари. **00.30** Социализм дунёси. **01.00** СССР да Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Польша телевидениесининг программаси. **02.15** Интервидение. Молдавия халқ музика ансамблининг концерти. **02.45** Фақат фактлар, кўрсатувлар программаси. **03.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: **20.20** «Олов билан юзма-юз» Ҳужжатли фильм. **21.10** Халқ қофизлари ижросида концерт. **21.40** «Сатурн»нинг ғугатилиши». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Тожик тилида: **18.30** Шаҳарларимиз жамоли. **18.50** Мўл ҳосил учун.
Рус тилида: **19.05** Янгиликлар. **19.20** «Суяқсаз». Бадиий фильм.
Тожик тилида: **20.45** Республика далаларида. **21.25** Зангори антология. **21.45** Янгиликлар. **22.00** Адабий гулдаста. **22.30** Концерт.

20 ИЮЛЬ ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 Кўрсатувлар программаси. **10.00** Гимнастика ҳамма учун (Ўзбек тилида).

Рус тилида: **10.20** «Бидмашвой саёҳат қиладиг». Болалар учун эртак. **11.05** «Колокольчик» клуби. **11.35** «Ер остида». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбек тилида: **12.15** Болалар учун «Севимли ёзувчингиз Қуддус Муҳаммадий». **12.50** Болалар учун. «Хатолар ороли» кинофильм. **13.15** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Мардлик — мангулик. **16.55** Кўрсатувлар программаси. **17.00** Металлурглар кунига бағишланган эшиттириш. **17.30** Металлурглар учун концерт.

Рус тилида: **18.00** «Аҳборот» информацион программаси. **19.45** Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: **19.55** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». **20.45** «Аҳборот» информацион программаси. **21.15** «Ўзбек олтини». Мурунтоу олтин қазувчиларига бағишланган эшиттириш. **22.15** Муқимий номидаги Давлат музикали театри артистларининг концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: **10.00** Абитуриентлар учун физикадан машғулот.

Рус тилида: **11.00** Абитуриентлар учун физикадан машғулот.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Болаларнинг эрталабки гимнастика машғулотлари. **12.15** Янгиликлар. **12.30** «Будильник». **13.00** Музикали киоска. **13.30** Усмирлар учун. «Изловчилар» телекулби. **14.30** Металлурглар кунига бағишланган эшиттириш. **15.30** Қишлоқ янгиликлари. **16.30** Санъат оламида. **17.00** Ўқувчилар учун эшиттириш. **17.30** Рангли телевидение программаси.

19.00 Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун эшиттириш. **19.30** «Вақт» информацион программаси. **20.00** Интервидение. СССРда Польша Халқ Республикаси маданияти кунлари. Польша телевидениеси программаси. **21.30** Рангли телевидение программаси. Киносаёҳатчилар клуби. **22.30** «Ҳаёт-мамот учун» Кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг 12-сериляси. **23.30** «Етти кун». Халқаро программаси. **00.15** Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 ФРУНЗЕ ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

Кино

19 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди!— «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» «ВОСТОК» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқуруни).

Оила жанжали — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кечқуруни), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7 яримда).

Кашмирдаги севги (кеч 7 да), **Минг имконият дан бири** (кечқуруни) — НАВОИЙ номли.

Ҳаёлимдаги қиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Доктор Абетнинг эксперименти — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9.30 да).

20 ИЮЛДА
ҚИШКИ БИНОДА

Аввал сен ур, Фреди! — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5 яримда).

Оила жанжали — «ЧАЙКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруни), «МОСКВА» (кундуз соат 1,5 ва кеч 7 да), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз 1,3 ва кеч 7 яримда).

Кашмирдаги севги (кундуз соат 4,20 минут ва 7да), **Минг имконият дан бири** (кундуз ва кечқуруни) — НАВОИЙ номли.

Ҳаёлимдаги қиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 8ярим ва 10 да).

Эрамиздан миллион йил илгари— «МОСКВА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 3 да).

Доктор Абст тажрибаси — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 9,45; 11,30 ва кеч 9,30 минутда).

1-НОД ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БЎЛИМИГА

Тошкент шаҳрида жойлашган хўжалик ҳисобидаги ошхона ва магазинлар бош бухгалтери вазифасигa **катта бухгалтерлар,** Сирдарё станцияси қошидаги хўжалик ҳисобидаги магазинга **катта бухгалтер,** Ховост станцияси қошидаги ишчилар таъминоти бўлими филиалига **бош бухгалтер** ишчилар таъминоти бўлимининг марказий бухгалтерия аппаратига **катта бухгалтерлар** ва **бухгалтерлар,** магазинларда ишлаш учун: **мудирлар, катта сотувчилар ва сотувчилар,** буфетчи ва ошпазлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Куйбишев шоссеси, 13-уй, 9-корпус (5, 7, 12, 55-автобусларнинг «Товарний двор» бекати).

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ БОШ КИЙИМЛАР ФАБРИКАСИГА

тикувчи мотористлар, ёрдамчи ишчилар тикувчилик саноати технологлари, ОТК контролёрлари, иқтисодчи, шофёр, электр монтёрлари, тикув машиналари механиклари, секретарь-машинистка, машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қорасарой кўчаси, 324-уй (7-троллейбус, 42, 45, 77-автобусларининг «Чуқурсой» бекати). Телефон 4-07-41.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 141-ўрта мактаб томонидан **ТУРАЕВ Санжар Акрамович** номига берилган 616282-сонли йўқолган

УРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

бекор қилинади.

Ўзбекистон ССР мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармаси
ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИГА

дурадгорлар, станоччилар, пардозчилар, шогирдлар, механиклар, ёғочсозлик бўйича инженер-технологлар, нормаловчилар, иқтисодчилар, табелчилар, бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Магазинимвозу кўчаси, 254-уй (10, 14, 43, 56-автобуслар, 7, 10-троллейбусларнинг «Трактор йиғув заводи» бекати).

СЕРГЕЛИ ТЕРИ — ВЕНЕРЕОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИГА

врачлар, ҳамширалар, санитарлар, бембонлар, қоровуллар, дурадгорлар, сантехниклар, қоровуллар бошлиғи, радиотехник

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, йўлдош шаҳарча. Телефон 5-64-41.

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ МАТБУОТ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИГА

контроль-ревизия, бўлимида ишлаш учун
катта бухгалтер-ревизорлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30-уй, 18-хона (7, 8, 11, 16-трамвайлар, 1, 4, 6-троллейбуслар, 11, 14, 28-автобусларнинг «Марказий телеграф» бекати). Телефон 4-12-02.

ТОШКЕНТ ГАЗОПРОВОД МАГИСТРАЛЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

машинистка, ҳисобчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 21-уй, кадрлар бўлими. Телефонлар 5-26-16, 5-28-33.

10-КАБЕЛЬ ВА РАДИОРЕЛЕЙ ТАРМОҚЛАРИНИНГ ТЕХНИК ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИГА

капитал қурилиш бўйича катта инженер, катта бухгалтер алоқа инженерлари ва техниклари, катта бухгалтерлар, бухгалтер-ревизор, ҳисобчи-кассир, секретарь-машинистка

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 28 «а» уй, кадрлар бўлими. Телефонлар 4-14-87, 4-27-84, 4-18-40, 4-06-31.

ТАШКИЛОТ, КОРХОНА, ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ“

газетасининг эълонлар бўлими ҳар турли эълонларни қабул қилади

Шу жумладан ишга таклиф, конкурслар, диссертация ёқлаш ҳақида, газэта, ҳар хил буюмларни сотиш (уйлар, коналар, мебеллар, гуллар ва б) штамп, думалоқ печатлар, втулкин аттестатлари, дипломлари йўқолганлиги тўғрисида.

Қабул қилинган эълонлар бир ҳафталик муддатда босиб чиқарилади.

Эълонлар якшанба кундан бошқа ҳар куни кундуз соат 2 дан 4 гача қабул қилинади.

АДРЕС: Тошкент шаҳар «Правда Востока» кўчаси 26-уй, 1-хонат.

Тошкент оқшоми 4 бет. 19 ИЮЛЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар кўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари —33-27-03, аҳборот бўлими—33-65-57, эълонлар бўлими —33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Биргаликдаги нашриёти нинг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2803. Р. 00411. Индекс 64579